ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

# ЮБИЛЕЙНИ ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР, МУНОСИБ СОВҒАЛАР БИЛАН НИШОНЛАЙЛИК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 27 (2575) | 7 февраль, жума, 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

## ШОЛИКОРЛАРНИНГ ТАЖРИБА МАКТАБИ

«Полярная звезда» колхозида ташкил этилган республика илғор шоликорларининг тажриба мактаби ўз ишини тугаллади.

Биринчи машғулотда Ўзбекистон дон етиштириш ва тайёрлаш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Л. Д. Кабо шоликорларнинг қўлга киритган ютуқлари ва бу йилги вазифалар ҳақида нутқ сўзлади. Докладчи илғор шоликорлар тўғрисида гапирар экан, «Полярная звезда» колхозининг шоликорлари эришган ажойиб меҳнат намуналарини таъкидлаб ўтди. Бу колхозда ўтган йили 338 гектар ернинг ҳар гектаридан 46,5 центнердан ҳосил олинди.

Сўзга чиққан «Полярная звезда» колхозининг агрономи ўртоқ Н. П. Ким ҳам дон ва шоли ҳосилини оширишдаги хўжалик тажрибасидан сўзлаб берди.

Шунингдек тажриба мактабининг қатнашчилари Ўзбекистон шоли тажриба станцияси илмий ходимларининг лекция ва суҳбатларини тингладилар. Улар областимизнинг бир қатор хўжаликларида бўлиб, шоли етиштириш соҳасидаги илғор тажрибалар билан танишдилар.

С. САИДИМАҲМУДОВ.

## КЎКЛАМ ЯҚИН!

Февралнинг дастлабки ҳафтаси ўтиб бораяпти. Кунлар кетидан кунлар қувиб, ҳадемай март ҳам келади, дилларни қитиқлаб сабо елади. Деҳқонларга ғайрат-шижоат бахш этиб, қани далага, жўшқин ҳаёт, қайноқ меҳнат қучоғига деб, даъват этиб навбаҳор келади.

Ҳа, шундай. Қудратли агрегатларнинг гуриллаган овозлари экин майдонлари узра баралла парвоз қиладиган кунлар яқин. Мавсумни орзиқиб кутган деҳқонларнинг кафтдек текис, бўрсиллаган ерларга яхши умид билан сара уруғ ташлайдиган фурсати яқин. Қиш бўйи қор остида уйқуда ётган пахта майдонларни ғўза майсалари қоплаб, шу далаларга ажойиб файз бахш этадиган, йигит-қизларнинг, механизаторлар, сувчиларнинг ўз экин майдонларини тарк этгиси келмай қоладиган дамларга жуда оз қолди.

Билагида кучи, юрагида ўти бор марду-майдонлар, ўтган йили она-Ватан хирмонига тонна-тонналаб олтин зар тўккан шерзодалар ўз қўлларида ҳилпираётган ғолиблик байроғини янада баланд кўтариш, бу йил ўтган йилгидан ҳам кўпроқ «оқ олтин» кўтариб, эл-юрт хазинасини янада бойитиш мақсадини дилга жо қилиб, кўкламни тўла шайланган ҳолда кутиб олиш иштиёқи билан меҳнат қилишаяпти. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини изчиллик билан амалга оширамиз, яқин кунда очиладиган февраль Пленумини ерга уруғ ташлаш учун ҳамма нарсани тахт қилиб қўйган ҳолда кутиб оламиз, серқуёш республикамизнинг ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик тўйига тоғ-тоғ «оқ олтин» армуғон этамиз. Сабзавот, чорва маҳсулотларининг янада мўл-кўллигини таъминлаймиз. Областимиз қишлоқ хўжалиги илғор деҳқонларининг, чорвадорларининг шиори ана шундай.

Бугун Янгийўл бошқармасидаги гигант Ленин номли колхоз устахоналарида бўлсангиз, пахта майдонларини кезсангиз худди ана шу руҳни кўрасиз. Кузги шудгор тамом бўлиши биланоқ ремонтга киришган механизаторлар 21 та ҳайдов-тракторини, 60 га яқин чопиқ агрегатини сифатли ремонтдан чиқариб, эгарланган отдай қилиб қўйишибди. 700 тоннага яқин минерал ўғит вақтида ташиб олиниб, махсус тайёрланган бинода авайлаб сақланаяпти. 2 минг тоннага яқин компост, 3 минг тоннага яқин маҳаллий ўғит тайёрланибди. Ариқ ва зовурлар сув равон оқсин, деб яхши тозаланибди. Хўш, булар нимадан дарак беради? Мўл ҳосилдан дарак беради. Худди ўтган йилгидек бу йил ҳам шу колхоз деҳқонларининг эл-юрт олдида чеҳралари равшан бўлишидан хабар беради.

Янгийўл бошқармасида кўкламни ана шундай шайланиб кутиб олиш учун ўзаро социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, астойдил меҳнат қилаётган кишилар сонсиз-саноқсиз. Охунбобоев номли, Собир Раҳимов номли, Карл Маркс номли колхозларнинг деҳқонлари, моҳир механизаторлари қўлга киритаётган ютуқлар фикримизнинг далили бўла олади.

Шу кунгача дала бошларига 50 минг тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит ташиб чиқарган Калинин бошқармаси азаматларига ҳам, ҳайдов-тракторларининг 81 процентини, чопиқ агрегатларининг қарийб 70 процентини, чигит экадиган сеялкаларнинг 50 процентини ремонтдан чиқарган Ўрта Чирчиқ бошқармасининг моҳир механизаторларига балли, раҳмат, десак арзийди.

Кошкийди областимизнинг барча колхоз ва совхозларида ҳам кўкламга тайёргарлик ана шундай, кишини хурсанд қиладиган даражада олиб борилаётган бўлса. Йўқ. Бир қатор бошқармаларнинг хўжаликларида ҳалига қадар хотиржамлик ҳукм сураяпти. Техника ремонти кечикаяпти минерал ўғитларни ташиб олиш ва уни эҳтиёт қилиб сақлашга етарли эътибор берилмаяпти. Маҳаллий ўғит жуда кам жамғарилаяпти, суғориш шохобчаларини тартибга солишга етарли куч ва техника ажратилмаяпти.

Бекобод бошқармасида чопиқ тракторларининг эндигина 30 проценти, чигит экадиган сеялкаларнинг 20 проценти ремонтдан чиқарилган. Агар бошқарма колхоз ва совхозларининг раҳбарлари меҳнатни ишнинг кўзини билиб ташкил қилганларида, кўкламга тайёргарликка етарли куч сафарбар этиб, уларни унумли ишлашга отлантира олганларида бундай аҳвол рўй бермаган бўлур эди.

Сув равон оқмас экан, деҳқон кутилган натижага эриша олмайди. Шунинг учун ҳозир ариқ-зовурларни тартибга солиб қўйиш асосий вазифалардан бири. Суғориш шохобчаларини тартибга солиш планини эндигина 13,6 процент бажарган Бўка бошқармасининг колхоз ва совхозлари, 2 процент бажарган Юқори Чирчиқ колхоз ва совхозлари раҳбарлари нима учундир бу муҳим ишни пайсалга солиб келаяптилар.

Зараркунандалар ҳосилнинг душмани. Лекин хотиржамлик эса ундан ҳам ўтакетган душман. Қайсибир хўжаликда бугунги иш эртага қўйилса ўша хўжаликда йил охиригача иш юришмайди. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашни ҳозирдан бошлаб юбориш керак.

Ишлаб чиқариш бошқармалари ва партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бутун диққат-эътиборни, бутун кучни, техника воситаларини ремонт ишларига, дала ишларига тўла сафарбар этишлари лозим. Техника шай бўлсин, токи ер етилиши билан экишни сифатли бошлаб юборишга эришайлик. Минерал ўғитлар вақтида ташиб олинсин, маҳаллий ўғит кўпроқ жамғарилсин, токи мурғак ғўзаларни ёшлигида тўйдириб, ҳосилдорликни оширишга эришайлик. Сув йўллари тоза бўлсин

Областимиз деҳқонлари! Кўклам яқин. Вақт ғанимат. Баҳор чорламоқда. Кўклам даъватига лаббай деб жавоб бериш учун ҳар тарафлама шай бўлиб туринг.





КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми шарафига зиммаларига юксак мажбурият олиб меҳнат қилаётган Янгийўл бошқармасидаги «Ленинизм» колхози механизаторлари куни кеча ажойиб муваффақиятни қўлга киритдилар. Барча қишлоқ хўжалиги техникаси кўклам экишга тўла шай қилиб қўйилди. Суратларда: (чапда) моҳир механизаторлар У. Нусхабоев ва Т. Муҳитдинов, Э. Қурбонбоев ўртоқлар (ўнгда) сўнгги универсал ва сеялкани қўлдан чиқараётирлар.

А. Палехов фотолари.

## ЧОРВАДОРЛАР ҒАЛАБАСИ

Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозининг моҳир чорвадорлари КПСС Марказий Комитетининг яқинлашиб келаётган Пленуми шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, мўл-кўл чорвачилик маҳсулотлари етиштириш йўлида дастлабки қувончли натижаларни қўлга киритдилар. 1964 йилнинг биринчи квартали учун белгиланган план январнинг икки ўн кунлиги ичидаёқ ошириб бажарилди, давлатга 221 ўрнига 267 центнер семиз гўшт сотилди. Ҳар бир бош ўччаканинг тирик вазнини ўрта ҳисобда 85—90 килограммга, ҳар бир қўй вазнини 50—55 килограммга етказиб семиртирган В. Денисов, Қ. Мирзараимов ва И. Раҳимбердиев ўртоқлар бу ғалабага муносиб ҳисса қўшишди.

Шунингдек бошқармадаги «Правда» газетасининг 50 йиллиги» совхози чорвадорлари ҳам етти йилликнинг олтинчи йилини муваффақиятли бошладилар. Январь ойи ичида совхоз давлатга 290 ўрнига 332 центнер гўшт етказиб берди. Чорва маҳсулдорлигини оширишда совхознинг Р. Шораҳмедов, Х. Носиров, М. Олимов, Ж. Мамадалиев сингари чорвадорлари астойдил ғайрат кўрсатаётирлар.

М. ИСМОИЛОВ.

## ТАШАББУСКОРЛАР

Тажрибакор бригадир Тўлаган ака Мусурмонқулов ҳақида гап кетганда уни ташаббускор деб таърифлашади, Ҳақиқатан хам шундай. У ўтган йили илгари кам ҳосил олиб келинган ерларни ўзи илтимос қилиб, бригадаси ерларига қўшиб олган эди.

— Кишида лабз битта бўлади, —деди ўшанда бригадир, — ўз аъзоларини бир ерга жамлаб, улар билан маслаҳат қиларкан, — биз катта ишга бел боғладик, бу ишнинг уддасидан чиқмасак, уят бўлади, ахир ернинг яхши-ёмони йўқлигини исбот қилишимиз керак.

Бригада аъзолари ишга астойдил киришиб кетдилар. Ер сифатли тайёрланди, чигит вақтида экилди. Бригаданинг Яхшигул Тўраева, Фотима Икромова, Ҳожинисо Сафарова, Турғунбой Ғоипов, механизатор Очил Умаровлар бир оиланинг фарзандларидек иноқ бўлиб меҳнат қилдилар.

Куз келганида бригаданинг 140 гектарлик майдонида мўл ҳосил етиштирилган эди. Бу ҳосилнинг сўнгги граммларигача нобуд қилмай йиғиб-териб олинди. Янги қўшиб олинган ерда ҳосилдорлик бир йилнинг ичида 11—12 центнерга кўтарилди.

Ташаббускор бригада аъзоларининг бу йилги режалари, ҳаракатлари янада бошқача. Улар ҳосилдорликни 25 центнерга кўтариш учун курашмоқдалар.

Оққўрғондаги «Коммунизм» колхозининг бу бригадасидан ўрнак олинг.

## ЎРТА ОСИЁ ЭКОНОМИКАСИ ЮКСАЛИШДА

1966—1970 йилларда Ўрта Осиё иқтисодий райони халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг асосий йўлларини муҳокама қилиш учун 6 февралда Тошкентда илмий-ишлаб чиқариш конференцияси очилди. Бу конференция Ўрта Осиё иқтисодий райони План комиссияси ва Халқ хўжалик кенгаши, СССР Госпланининг Ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганувчи кенгаши, СССР Фанлар академияси илмий кенгашининг Ўрта Осиё комиссияси томонидан чақирилган. Ўрта Осиё иқтисодий райони План комиссияси раисининг вазифасини бажарувчи Б. А. Десятчиков қуйидагиларни айтди:

— Ҳар қайси республикадаги ва умуман Ўрта Осиё иқтисодий районидаги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг илмий асосланган йўлларини мукаммал аниқлаб олиш бениҳоя муҳим аҳамият касб этмоқда. Ижтимоий меҳнатни ва капитал маблағларни жуда оз сарфлаб, моддий ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларини тез юксалтиришга эришмоқ учун табиий бойликлар ва моддий ресурсларни тўлиқ ва планли равишда ўзлаштириш ҳамда улардан максимал фойдаланиш зарурати бунга асос бўлмоқда. Халқ хўжалиги тўғри ихтисослаштирилиб, комплекс ривожлантирилса, бу нарса хўжаликка раҳбарлик қилишда ҳар бир республиканинг ташаббускорлигини авж олдиришга ёрдам беради.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларига асосан, партия органларининг ишлаб чиқариш принципи асосида қайта қурилганлиги ҳозирдаёқ ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Буни Ўрта Осиё республикалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу республикаларда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари тез суръатлар билан ривожлантирила бошлади.

Навбатда халқ хўжалигига доир янги, янада мураккаб проблемалар турибди. Ўрта Осиё республикалари СССРда коммунизмнинг моддий техника базасини яратишда муҳим роль ўйнамоқлари керак.

Конференция ҳам бир бутун ишлаб чиқариш-территориал комплекс бўлган иқтисодий районнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга бағишланади. Конференцияда қатнашмоқ учун Тошкентга СССР Госплани, СССР Давлат комитетлари, СССР халқ хўжалиги кенгаши вакиллари, Москва, Ленинград ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг саноат ва илмий марказларидан таниқли олимлар ва мутахассислар келишди. Улар Ўрта Осиёда химия, металлургия, ёқилғи-энергетика, машинасозлик, радиоэлектроника ва электротехника саноатини ривожлантиришнинг асосий йўлларини муҳокамадан ўтказадилар. Иқтисодий районнинг бутун халқ хўжалигида техникани тараққий эттириш оғир индустриянинг ана шу тармоқларини жадал ривожлантиришга боғлиқ.

Ўрта Осиёнинг қудратли энергетикасини барпо этиш — туб проблемалардан бири бўлиб, уни ҳал қилиш натижасида иқтисодий райондаги ишлаб чиқариш янги шаклда ихтисослаштирила бошлайди. Сирдарёнинг тепа қисмидаги, Норин ва Панж дарёларидаги гидроэнергетика ресурсларидан фойдаланиш мақсадида яқин фурсатда ана шу дарёларни ва уларнинг ҳавзасидаги табиий шароитларни ўрганиш зарур. Янги йирик электростанциялар қуриш билан бир қаторда, шу нарса ҳам муҳим аҳамият касб этиб бормоқдаки, Ўрта Осиёнинг туташган энергетика системасини вужудга келтириб, келгусида уни СССР энергетика системасининг таркибий қисмига айлантирмоқ учун электр узатувчи линияларнинг жуда кенг тармоғини барпо этиш керак.

Арзон электр энергияси, табиий газ, нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ҳамда минерал ва ўсимлик хом ашёсининг ғоят катта запаслари — химия саноатини комплекс ривожлантиришнинг ажойиб негизидир. Химия саноати иқтисодий районда ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқларидан бири бўлиб қолмоғи керак.

Бизда органик синтез йўли билан ишлаб чиқарилган бир қанча маҳсулотлар иқтисодий жиҳатдан энг яхши фазилатларга эгадир. Азотли ўғитларни, синтетик озуқаларни, толаларни, каучукни, ювиш моддаларини, пластмассаларни шулар жумласига киритиш мумкин.

Ўрта Осиёда химия саноатининг ривожлантирилиши қишлоқ хўжалигида, биринчи галда, пахтачиликда ҳосилдорликни тез ошириш ва меҳнат унумдорлигини кўпайтиришга ёрдам беради.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорлари асосида янги химия корхоналарини жойлаштиришнинг асосий принциплари ҳамда халқ хўжалигини химиялаштиришга алоқадор бўлган бошқа бир қанча проблемаларни ҳал қилиш йўллари конференцияда белгилаб олинади.

Рангли ва нодир металларнинг руда запаслари анча кўп бўлиб, айни маҳалда йирик ёқилғи-энергетика ресурсларининг мавжудлиги Ўрта Осиё иқтисодий районида металлургияни тез ривожлантириш имконини беради.

Яқин беш йилликда барча қимматли компонентлардан комплекс фойдаланган ҳолда, биринчи галда техника-иқтисодий кўрсаткичлари юқори бўлган бой руда конларидан фойдаланишни мўлжаллаб иш олиб бориш керак. Рангли металлургия корхоналари руда қазишдан тортиб, металл олиш ва металлдан буюмлар ясашгача ҳамма ишни бажарадиган қилиб ривожлантирилиши лозим. Айни бир маҳалда рангли металлургияни химия саноати билан қўшиб ривожлантиришга эътибор бериш зарур.

Ўрта Осиё иқтисодий районининг машинасозлик саноати тез суръатлар билан ривожланаётганлигига қарамай, бир қанча тармоқларнинг эҳтиёжларини қондира олмаяпти. Қуймалар ва қолиплар, металл буюмлар, электродлар, шестернялар тайёрлаб берувчи тегишли ихтисослаштирилган корхоналар ҳали барпо қилинган эмас.

Конференция, жумладан, пахтачиликни комплекс механизациялаштиришни тугаллаш, ирригация эҳтиёжларини қондириш учун қишлоқ хўжалигини машиналар билан таъминлашга, химия, газ ва нефть саноати учун технология ускуналари ва ностандарт ускуналарни кўпроқ ишлаб чиқаришга эътибор беради.

Радиоэлектроника ва электротехника саноати айниқса тез суръатлар билан ривожлантирилади.

Конференция программасига элликдан ортиқ доклад киритилган. Бу докладлар СССР давлат комитетлари, план ва хўжалик органлари, илмий ва лойиҳа ташкилотлари томонидан тайёрланган.

Оғир саноатни ривожлантиришнинг асосий йўллари олимлар, лойиҳачилар, экономистлар, ишлаб чиқариш ходимлари иштирокида кенг муҳокама қилинаётгани — Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Ўрта Осиё иқтисодий райони олдига қўйган вазифаларни план топшириқларида тўлиқ акс эттиришга ёрдам беради. (ЎзТАГ).

## ҲАР УЧ ИШЧИНИНГ БИРИ — РАЦИОНАЛИЗАТОР

*Эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмайдиган кишиларнинг келажаги порлоқ бўлади. Заводнинг запас қисмлар цехида меҳнат қилаётганларнинг деярлик ҳаммаси ана шундай хислатга эга бўлган ишчилардир. Коммунист М. Сотников бошлиқ цех коллективи КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленумини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашмоқда. Етти йиллик олтинчи йилининг дастлабки кунларидаёқ қишлоқ механизмлари учун кўплаб запас қисмлар етказиб берилди. Рядович, Михайлов, Бортикович, Конюхов каби ишчилар кундалик смена топшириқларини икки ҳиссадан ошириб бажармоқдалар. Цехда ҳар уч ишчининг бири — рационализатор. Ўтган йили Кондратьев, Круглова, Минеровларнинг ҳар бири ўнтадан таклиф киритди. Бу таклифларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида 5 минг сўмлик давлат маблағи тежаб қолинди.*

М. САМАТОВ,
«Ташавтомаш» заводининг ишчиси.

## ПАРВОЗ ДАВОМ ЭТМОҚДА

*ТАСС АХБОРОТИ*

«Электрон-1» илмий космик станцияси шу йил 5 февралда Москва вақти билан соат 18 гача Ер атрофини 53 марта айланиб чиқди. «Электрон-2» станцияси шу вақт ичида Ер атрофини 6 мартадан кўпроқ айланиб чиқди.

«Электрон-1» ва «Электрон-2» илмий станциялари учирилган пайтдан буён улар билан 37 марта алоқа сеанси ўтказилди. Ана шу сеансларда бортлардаги системаларнинг иши тўғрисида қимматли илмий информация ва маълумотлар олинди. Станцияларнинг орбиталари қўшимча равишда ўлчаб кўрилди.

5 февралга қадар станциялар орбиталарининг параметрлари қуйидагича бўлди:

«Электрон-1» станцияси

— перигейдаги баландлиги — 406 километр,

— апогейдаги баландлиги 7.145 километр,

— Ер атрофини айланиб чиқиш даври — 2 соат 49,3 минут, — орбитанинг оғиш бурчаги — 60 градус 50 минут;

«Электрон-2» станцияси

— перигейдаги баландлиги — 457 километр,

— апогейдаги баландлиги — 68.000 километр,

— Ер атрофини айланиб чиқиш даври — 22 соат 36,4 минут,

— орбитанинг оғиш бурчаги — 60 градус 51 минут.

Телеметрик ўлчов маълумотларига қараганда, «Электрон-1» ва «Электрон-2» космик станциялари бортида белгиланган шарт-шароит сақланмоқда. Температура Цельсия бўйича 18—20 градус атрофида бўлиб, босим симоб устунининг 886—900 миллиметрини ташкил этади. Станциялардаги системалар ва илмий аппаратлар нормал ишлаб турибди.

«Электрон-2» станцияси 5 февралдан 10 февралгача Совет Иттифоқи территориясида туриб радио алоқаси боғлаш мумкин бўлмаган зонада бўлади. Совет Иттифоқи территориясида жойлашган команда-ўлчов комплексининг ўлчов пунктлари ва илмий станциялар шу давр ичида «Электрон-1» станцияси билангина алоқа сеанслари ўтказадилар.

10 февралда «Электрон-2» станцияси Совет Иттифоқи территориясида туриб радио алоқаси боғлаш мумкин бўлган зонага ўтади ва у билан алоқа сеанслари яна тикланади.

## «ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» ГАЗЕТХОНЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

«Қизил Ўзбекистон» газета редакцияси республикамизнинг бир неча областларида газетхонларнинг конференцияларини ўтказди. Сирдарё область «Сирдарё ҳақиқати» газетасида идеология масалаларининг ёритилиши» деган темада жонли обзор, Жиззах шаҳрида эса газетхонлар конференцияси ўтказилди. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг редактори ўртоқ М. ҚОРИЕВ «Сирдарё ҳақиқати» саҳифаларида ёритилаётган идеология темасидаги материалларни таҳлил қилиб, редакция ишидаги ижобий ишларни ва нуқсонларни кўрсатди. Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган конференцияда эса «Қизил Ўзбекистон» газетасининг ишлари ҳақида ҳисобот берилди.

Конференцияда сўзга чиққан ўртоқлар газетанинг ижобий ишларини қайд қилиш билан бирга, унинг саҳифаларида босилаётган материалларнинг тематикасини кенгайтириш, мазмун ва таъсирчанлигини ошириш юзасидан қимматли маслаҳатлар бердилар.

Шунингдек Бухоро областининг Қоракўл ва Ромитан ишлаб чиқариш бошқармаларида ҳам «Қизил Ўзбекистон» газетхонларининг конференциялари бўлиб ўтди. Газета редакторининг ўринбосари ўртоқ Ҳ. ЕДГОРОВ редакциянинг фаолияти тўғрисида сўзлаб берди. Конференция қатнашчилари газета ишини янада яхшилашга қаратилган бир қанча таклифлар айтдилар.

